

Блокнотлар мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлганлиги даражаси ҳамда рақобат муҳити тўғрисида **МАЪЛУМОТ**

Рақобат қўмитаси томонидан ТИФ ТН коди 4820103000 остидаги **блокнотлар** товар бозоридаги рақобат муҳитини таҳлил қилиш ҳамда ички бозорнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўйинганлиги даражасини аниқлаш бўйича ўрганилди.

Ўрганиш Миллий статистика қўмитасининг 2024 йил учун саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари маълумотлар базаси ҳамда Божхона қўмитасининг импорт ва экспорт маълумотларига асосан ўтказилди.

I. Блокнотларнинг импорт ва экспорт ҳолати.

2024 йилда **288 та** корхона томонидан **35 та** давлатдан қиймати **1,8 млн АҚШ доллари**га тенг бўлган **1450 тн** блокнотлар **импорт** қилинган. Импорт қилинган маҳсулотларнинг **95 фоизи** –**Хитой**, **2 фоизи** – **Россия**, **3 фоизи** эса бошқа **33 та** давлатлар ҳиссасига тўғри келади.

Импортнинг концентрация даражаси ўрганилганда энг йирик **5 та** импорт қилувчи корхона ҳиссасига жами импортнинг **68 фоизи** тўғри келган. Шунингдек, импорт асосида олиб келинган блокнотларнинг ўртача нархи **1 тн** учун **1244 долларга** тўғри келган. 2024 йилда республика ҳудудидан блокнот экспорти амалга оширилмаган.

II. Ички бозордаги рақобат ҳолати.

Таҳлиллар доирасида блокнотлар ишлаб чиқариш бозоридаги рақобат ҳолати халқаро тан олинган **ННІ** (Херфиндал-Хиршман индекси) орқали баҳоланди.

Миллий статистика қўмитасининг расмий маълумотларига кўра, 2024 йилда **20 та** хўжалик юритувчи субъектлар томонидан блокнотлар ишлаб чиқарилган.

Хўжалик юритувчи субъектлар сони ва ишлаб чиқариш ҳажмлари маълумотлари асосида **ННІ** ҳисобланганда, индекс натижаси **2 301 пункт**га тенг бўлганлиги ва ушбу товар бозорида **рақобат муҳити етарлича ривожланмаганлиги** аниқланди.

*Маълумот учун: **ННІ** (Херфиндал-Хиршман индекси) бозордаги рақобат муҳитини баҳолаш ва концентрация даражасини аниқлаш учун фойдаланилади. Унга кўра, **ННІ** кўрсаткич **0 дан 1500 пунктгача** бўлганда **рақобат муҳити ривожланган**, **1500 дан 2500 пунктгача** бўлганда **рақобат муҳити етарлича ривожланмаган**, **2500 дан 10 000 пунктгача** бўлганда бозор **юқори даражада монополлашган** ҳисобланади.*

III. Ички бозорнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўйинганлиги даражаси.

Миллий статистика қўмитаси ва Божхона қўмитасининг 2024 йил бўйича расмий статистика маълумотларига асосан ички бозорда ТИФ ТН коди 4820103000 остидаги блокнотларни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўйинганлиги даражаси аниқланди.

Маълумот учун: мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўйинганлиги даражасини аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 декабрдаги 303-сонли қарорида белгиланган тартибда ҳисобланди.

2024 йил давомида мамлакатимизда қиймати 18,3 млрд сўмлик **482 тн** блокнотлар ишлаб чиқарилган.

Мазкур маълумотлар асосида блокнотларнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўйинганлик даражаси 2024 йилда **25 фоиз**ни ташкил этганлиги аниқланди.

Маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 декабрдаги 303-сонли қарорига асосан товар бозори ҳажмида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар улуши 80 фоиздан кўп бўлганда бозор товар билан тўйинган ҳисобланади ва мазкур улуш ушбу кўрсаткичдан кам бўлганда товар билан тўйинмаган ҳисобланади.

IV. Хулоса.

ТИФ ТН коди 4820103000 остидаги блокнотларнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўйинганлик даражаси **25 фоиз**ни ташкил этиши ҳамда ички бозорда мазкур маҳсулотга бўлган талабнинг юқорилиги сабабли, ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича **янги лойиҳаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.**

ISTE'MOLCHILAR HUQUQLARI
TADQIQOTLARI MARKAZI